

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 27-СЕНТАБР, ЖУМА, 117 (8198)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Баҳоסי келишилган нархда.



Юртимизда ҳар бир ҳудуд шароитига мос узум навини ештириш чоралари кўрилмоқда. “Ўзвиносанотхолдинг” компаниясидан маълум қилишларича, қайта ишлаш корхоналари учун қимматли саннат хомашёси қизил навли узумлардир. Унинг “Пино”, “Рислинг”, “Хиндогни” каби навларига талаб юқори...



Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани кўплаб янги корхоналар ташкил этиш ҳамда ички ва ташқи бозор учун рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Хусусан, истиқболли лойиҳалар асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топшириляптир. «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритиб келатган “Полиэтилен қувурлар” шубба корхонаси шундай корхоналардан бири ҳисобланади.



Хоразмлик миришкорлар томорқа ва бошқа майдонларга оқ жўхори экиб, ундан юқори ҳосил олишнинг ҳадисини олишган. Улар яқиндан бошлаб ушбу экинни кўчатлаб экишни бошлашди. Қарангки, бу усул натижасида ҳосилдорлик 90, ҳатто 100 центнергача етди. Мана оддий мисол, Боғот туманидаги «Камолхон Отахон» фермер хўжалигида қалладан бўшган 4 гектар майдонга оқ жўхори кўчатлари ўтқазилганди...

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Индонезиядаги дипломатия миссияси томонидан Жакартада расмий тантанали қабул маросими ўтказилди. Тадбир доирасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳадаги ютуқлари, “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ижроси, “Шарк тароналари” халқаро мусика фестивали, Ўзбек халқининг бетақдор аъёнлари ва бой маданий-тарихий меросига бағишланган суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Бруней пойтахти Бандар-Сери-Бегаван шаҳрида “Travel Mania” халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. “Бруней ҳаво йўллари” авиакомпанияси томонидан ҳар йили ташкил этиладиган мазкур аънавий халқаро тадбирда Малайзия, Испания, Марокка, Сингапур, Таиланд ва Ўзбекистон сайёҳлик фирмалари иштирок этдилар. Мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган “Asia Tour” компанияси “Travel Mania”да Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятини намойиш қилди.

Жиззахда санатор-курорт соғломлаштириш ва тиббий туризми ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Германия каби мамлакатларнинг тиббиёт, соғломлаштириш марказлари ҳамда тиббий туризми ривожлантириш ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



ЎЗГАРЛИК ИФФАСИ

Мақтабга илк қадам қўйганида Дилбар шифокор бўлишга қизқарди. Туртинчи синфда рўй берган кутилмаган тасо-диф унинг бу фикрини ўзгартириб юборди. Барча синфдошларида ўзбек адабиёти дарслиги бор-у, фақат Дилбар учун бу китоб топилмай қолди. Бундан таъсирланган қизалоқ онасига “катта бўлсам, албатта, ўзбек адабиёти ўқитувчиси бўлам”, дея қатъий аҳд қилди.

Болаликдаги ана шу воқеа – топилмай қолган дарслик моҳир педагог Дилбар Нормуродованинг ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўлини белгилаб берди. Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги 1-умумтаълим мактабини муваффақиятли тугатган Дилбар Нормуродова Термиз давлат университетининг филология факультетида тажрибали ўстозлардан ўзбек тили ва адабиёти фанини, ўқитувчилик касбининг нозик қирраларини чуқур ўрганди. Бундан 21 йил аввал университетни тамомлаб, ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бера бошлади. Юртимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида таълим тизимига қаратилган эътибор, яратиб берилган шарт-шароитлар биз, педагогларга катта масъулият юклайди, – дейди Д.Нормуродова. – Баркамол авлод-ни тарбиялаш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар замирида жамиятимизнинг эртаси, келажак турганини ҳис этишимиз ва шунга муносив равишда сидқидилдан меҳнат қилишимиз зарур. Аини пайтда Термиз шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида ёш авлодга сабоқ бераётган тажрибали ўқитувчи дарсларни интерфаол усулда олиб боради. Утилган ҳар бир дарсни янги мавзу билан, ҳаёт билан боғлайди. – Чунки бугунги фарзандларимиз изланувчан ва қизиқувчан, мушоҳадаси теран, ҳозиржавоб ва илмга чанқок, – дейди у. – Ҳозирги даврда педагог бир кун ҳаётдан орқада қолса, ўқувчилари олдида хижолат бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, ҳар бир дарсга алоҳида ҳозирлик кўраман. Янгича педагогик услубларни қўллашга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларимнинг ота-онасидан бир ойда бир марта дарсда қатнашиб, фикрини айтишини йўлга қўйганман. Бу усул менинг масъулиятимни ошириш билан бирга, ўқувчиларнинг фанини чуқур ўзлаштиришига ёрдам бермоқда. Таълим тизимига янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, илм даргоҳларида ўқитувчиларга яратилган шарт-шароит улар зиммасига пухта билимга эга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим масъулиятни юклармоқда. Д.Нормуродова ўқитувчиликнинг ана шундай захмати, машаққати ва шарафини дилдан ҳис этади, жамиятга ҳар томонлама истеъдодли, билимли авлод етказиб беришдек вазифани теран англайди. Шу мақсадда у таълим соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида йўлга қўйиш, мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Аввало, билим ва тажрибасини ошириш борасида кўп ишлайди, дарсларнинг самарали бўлиши учун кўшимча адабиётлардан кенг фойдаланади. Ўзлаштириши сушт болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, қўшимча дарслар ўтишдан эринмайди. Изланувчан муаллиманинг бу йил йигирмадан ортиқ шогирди мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртига ўқишга қабул қилингани ана шундай меҳнат ва изланишлар самарасидир. Дилбар Нормуродова бир неча марта “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” вилоят кўрик-танлови голиби бўлди. 2006 йил Наманган шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Фидойи, изланувчан педагогнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Президентимиз фармонида асосан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида “Шухрат” медали билан мукофотланди. Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА муҳбири.

Бухоро Вилояти

ЭРТАМИЗ БУГУНГИДАН-ДА НУРАФШОН

ЧУҚУР БИЛИМ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ ЁРҚИН ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга ошириляётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури соҳада муҳим дастуриламал вазифасини ўтаб, таълим тизимини замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини яратмоқда. Таълим тизимида 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилингани, унинг давлат томонидан бепулликка кафолатлангани жаҳонда кам учрайдиган тажриба. Қолаверса, амалга оширилган ислохотлар соҳада ҳар томонлама мукамал, сифат ва самарадорлиги юқори, бир-бири билан узвий боғлиқ, уч босқичли таълим тизимини яратишга асос солди. Бугунги кунда бошқармаимизга қарашли 954 та таълим муассасасида ёш авлодга замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2013-2014 ўқув йили арафасида 24 та мактабда капитал реконструкция ва 10 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Когон туманидаги 6- ва Олот туманидаги 15-болалар мусика ва санъат мактаблари янгидан қурилди. Ромитан туманидаги шу йўналишдаги 17-мактаб эса капитал реконструкция қилинди. Аини пайтда туманларда жойлашган 5 та мактабда янги спорт зали ва Бухоро шаҳрида болалар ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Айтиш жоизки, таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам соҳада амалга ошириляётган ислохотлар жараёнида муҳим ўрин тутди. Бу борада мамлакатимиздаги олий ўқув юртилари билан яқин ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш институтида ҳар йили беш ярим минг нафардан зиёд ўқитувчиларимизнинг малакаси оширилди. Ўқув муассасаларида таълимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан ўзаро уйғунлашувни ижобий самара бераётган. Қолаверса, спорт билан мунтазам шуғулланиш ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлишга хизмат қилади. Шу мақсадда 2003-2012 йиллар давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 79 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда 15200 нафар ёш спортнинг 18 тури бўйича машғулотлар олиб бораётган. (Давоми 2-саҳифада)

“ИЗЧИЛ ЎСИШ ВА ГУЛЛАБ-ЯШНАШНИНГ 22 ЙИЛИ”

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯПОНИЯДА НАШР ЭТИЛАДИГАН НУФУЗЛИ «THE JAPAN TIMES» ГАЗЕТАСИДА АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲА ОСТИДА МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унда мустақил тараққиёт йиллари давомида ҳаётнинг барча соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритган Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги алоҳида қайд этилади. Муаллифнинг эътирофи этишича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитда ривожланишнинг “ўзбек модели” ўзининг самарадорлигини яна бир бор намоиш қилди. Газета ўқувчиларини Ўзбекистондаги ўта қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда мамлакатга сармоялар оқимини оширишга кўмаклашяётган муҳим жиҳат, яъни чет эллик тадбиркорлар учун яратилган жозибали ҳуқуқий қафолат ва имтиёзлар билан атрафлича таништирган. “Хориж сармояларини рағбатлантириш ҳамда республиканинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун



иқтисодий ва маданий алоқалар боғлаб туришини қайд этар экан, мамлакатимиз Президентини Ислоом Каримовнинг 2011 йилнинг февралдаги Токиога рас-

ри спикерлари, ташқи ишлар вазири билан учрашди”, деб ёзади у. Нашр икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатлар мавзусига мурожаат этар экан, “Япония либерал-демократик партияси – Ўзбекистон” ва “Япония демократик партияси – Ўзбекистон” парламент дўстлик лигалари иштирокида турли анжуманлар ўтказиш йўли билан бу борадаги алоқалар ҳам фаол ривожланиётганини таъкидлайди. “Савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида 1994 йили ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон кўмиталари салмоқли ўрин тутмоқда, – деб ёзади муаллиф. – Япониянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги ва Япония ташқи савдо ташкилоти, Ўзбекистон маркази, шунингдек, қатор

ҳий шаҳарларнинг жозибадорлиги, шунингдек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиация компаниясининг “Тошкент – Токио – Тошкент” йўналиши бўйлаб мунтазам ҳаво қатновлари Япониядан Ўзбекистонга борадиган сайёҳлар оқимининг изчил равишда ортиб боришига кўмаклашмоқда”, деб ёзади япон наشري. Мақола интиҳосида Ўзбекистондаги муваффақиятларни равишда амалга ошириляётган ислохотлар, мамлакатда ҳукм сураётган барқарорлик ва мунтазам ривожланишнинг ижобий самараларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиши алоҳида қайд этилади. Токио

«Жаҳон» АА

КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ЮКСАК САМАРАЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини, боғдорчиликни, хусусан, узумчиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барпо этилаётган интенсив боғлар, узум парваришида, сугоришида янги технологияларнинг кенг жорий этилаётгани юксак самарадорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда.



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўса) олган сурат.

риш ҳамда тармоққа инновацион ғояларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда мазкур корхоналар тасарруфида 2,9 минг гектар тоқзорлар мавжуд эди. 2013 йилда бу кўрсаткич 4,4 минг гектарга етди. Хусусан, жорий йилнинг баҳоридида 468 гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этилди. 2015 йилгача тоқзорлар майдони 7,3 минг гектарга етказилади. «Ўзвиносаноатхолдин» компаниясида маълум қилишларича, қайта ишлаш корхоналари учун қimmatли саноат хомашёси қизиқ навли узумларидир. Унинг «Пино», «Рислинг», «Хиндогни» каби навларига талаб юқори. 2012 йилда қайта ишлаш корхоналарида 19,2 минг тонна ноёб, саноатбон узум хомашёси қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 30,1 минг, 2014-2015 йилларда 63,5 минг тоннагача етказиш мўлжалланмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот сифатини ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади. Соҳага илғор технологияларни жорий этиш мақсадида ўтган йиллар давомида 630 гектар ёш тоқзорларга кўтарилиб, 21 артезиан кўдүк қазилди ва сув таъминоти тўқилди. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун

«Андижон биокимё», «Денов вино» очик акциядорлик жамиятлари, «Субтропик экинлар маркази», «Меҳнат» агрофирмаси томонидан 120 гектар майдонда томчилаб сугориш йўлга қўйилди. Узумзорларда кимёвий ишлов самарадорлигини ошириш учун жорий мавсумда «Аида», «ОРПД-12М» ва «Карриола» русумидаги 204 дона паркагич йирик фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва туман ўсимликларни химоя қилиш отрядларига етказиб берилди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Кўёш нури» масъулият чекланган жамиятида, Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги «Миндонобод агросаноат» агрофирмаси қандайдир кўчатишлар ташкил этилди. Тоқлар учун шпалер ишлаб чиқариш цехлари – «Миндонобод агросаноат», «Меҳнат», «Мусаллас» агрофирмаларининг кувати ошдирилди. «Андижон биокимё», «Янгийўл биокимё» очик акциядорлик жамиятларида янги цехлар ишга туширилди. Узумчиликка ихтисослашган туманларда фермерларга қўриқлаётган сервис хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида «Консалтинг-техник хизмат» марказлари ташкил этилмоқда. Дастлабки шундай марказлар Паркент, Бахмал ва Олтинсой туманларида ишга ту-

ширилди ва улар ихтисослашган замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан тўла жиҳозланди. Жаҳон бозоридида харидоригри, истиқболли саноатбон узум навларини кўпайтириб, ноёб хомашё базасини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. «Мева-шарбат» боғдорчилиги, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти коллекциясидаги истиқболли тоқ кўчатларидан намуналар олиниб, кўпайтириш чоралари кўрилади. «Агостенга», «Шардоне», «Мурведер», «Рубиновий», «Будешури», «Мцване», «Прима», «Мускат вира» навлари шулар сирасидандир. Узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш чоралари кўрилади, сифатли хомашё етказиб берувчилар муттасил рағбатлантирилмоқда. Ҳар йили мавсум боши ва якунида қайта ишлаш корхоналари, агрофирма ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинар-раҳбарлар ўтказилмоқда. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Настарин-Жамин» фермер хўжалиги саноатбон тоқ кўча-

ти етиштиришга ихтисослашган. Айна пайтда мавжуд олти гектар майдонда қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларига мос «Каберне», «Алеатико», «Саперави», «Ркацители», «Хиндогни» каби ички ва ташқи бозорда харидоригри саноатбон навлар билан бирга хўраки узумлар ҳам кўпайтирилмоқда. Хўжалигимиз ер майдонини кенгайтириш, ноёб Европа навларини янада кўпайтириш мақсадида тўқсон хилга яқин узум навларидан иборат коллекция яратилди, дейди хўжалик раҳбари Нодир Ақромов. – Ҳозир уларни юртимиз иқлим шароитига мослаштириш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш учун меҳнат қилаётимиз. Бу борада бизга «Ўзвиносаноатхолдин» компанияси мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозир компания тизимидаги корхоналарда мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда улар 117,7 минг тонна узумни қабул қилиш ва қайта ишлашни режалаштирган. Айна пайтда соҳибкорларимиз ўзлари етиштирган хомашёни қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш етказиб бермоқда. **Сайёра ШОЕВА, Ўза муҳбири.**

Самарқанд Вилояти Пастдарғом туманида «Elbek TRJ» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси томонидан ипак тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ПИЛЛАДАН СИФАТЛИ ИПАК ТОЛА

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ «Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига хориждан замонавий технология келтирилиб, туман меҳнаткашлари етиштирган пиллаи шу ерда қайта ишлаш имконияти яратилди.

– 124 минг долларлик мазкур технология ёрдамида йилига 50-60 тонна пиллани қайта ишлаш мумкин, – дейди корхона раҳбари Тоҳир Раҳмонов. – Маҳсулотни юртимиз ва хориждаги тўқимачилик корхоналарига етказиб бериш кўзда тутилган. Айна пайтда Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон давлатларидаги ҳамкорларимиздан бюртмалар олдик. Яқин истиқболда корхона қувватини ошириш ва шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Цех ишга туширилиши билан ўттиз нафарга яқин маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг аксариятини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади. – Пастдарғом маънавий хизмат касб-хунар коллежини битирганман, – дейди корхона ип йиғирувчиси Маҳбуба Ирскулова. – Бу ердаги шарт-шароит ва бошқа имкониятлар барча ишчиларга манзур бўлмоқда. **Ф.ҲАСАНОВ, Ўза муҳбири.**

ЭРТАМИЗ БУГУНГИДАН-ДА НУРАФШОН

(Боши 1-саҳифада) Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2003 йилда вилоятдаги мактаб ўқувчиларининг атиги 13,5 фоизи спорт машғулотида жалб қилинган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 40,1 фоизни ташкил этади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони 17 тага кўпайди. Уларнинг 12 таси олимпия захиралари спорт мактабига ҳисобланади. Олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида 8 та махсус мактаб интернати фаолият кўрсатмоқда. Мактаб ўқувчиларини оммавий равишда спортга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бир кунда битта спорт иншоотидан фойдаланиш вақти 9,4 соатга ўсди. Ўтган йил мобайнида вилоятда умумтаълим мактаблари ўртасида 428 та тадбир ўтказилиб, уларда 92 минг 451 нафар ўғил-қиз иштирок этади. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам баркамол авлод тарбияси йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Таълим муассасаларида чет тилларнинг чуқур



Тоғир ИСТАТОВ (ўса) олган сурат.

ўқитилиши ёш авлод камолотида нақадар катта ўрин тутганини изоҳлашга ҳолат бўлмас керак. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятимиздаги таълим муассасаларининг чет тили фанлари ўқитувчилари Давлат таълим стан-

дартлари асосидаги ўқув дастурлари ҳамда бошқа замонавий воситалар, методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган. 2013 йилда 1719 нафар чет тили фани ўқитувчисининг 1608 нафари малака ошириш курсларида ўз билим ва тажрибаларини оширди. Ҳозир ўқув жараёни компьютер, мульти-

медиа, DVD воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда ўйин методлари, янги дидактик материаллар, кўргазмали куроллар асосида олиб борилмоқда. Маълумки, ҳар йили таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида фанлар бўйича «Билимлар беллашуви» танлови ўтказилиши анъанага айланди. Мана икки йилдирки, вилоятимиз ўқувчилари тадбирнинг республика босқичида етакчиликни қўлдан бермай келишмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этган ўқитувчиларимиз фахрли ўринларга эга бўлиши ҳамда уларнинг тажрибалари республика мактабларида оммалаштирилди. Вилоятдаги «Баркамол авлод» болалар марказлари жамоалари ҳам республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Конституциямиз – гуруримиз, ифтихоримиз», «Баркамол авлод – келажак пойдевори», «Ёш эколог» каби тадбирларда муносиб иштирок этиб келишмоқда. **Ўлмас ҚОРАЕВ, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

Наманган Вилояти

МУКОФОТЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МЕҲНАТИДАН ШУҲРАТ ТОПГАН АЁЛ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Ислам Каримов Фармонига биноан Янгиқўрғон тумани «Бош пиллаҳона» масъулияти чекланган жамияти бош агрономи Дилбархон Сотволдиева «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» унвони билан тақдирланди. Бу хушxabар Янгиқўрғон бўйлаб тарқалган, кўпчилиكنинг хаёлида беихтиёр унинг отаси Холмирза Сотволдиевнинг ёрқин хотираси намён бўлди. Гап шундаки, Холмирза Сотволдиев кўп йиллар давомида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида фидокорона ишлаб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» унвонига сазовор бўлган эди. Орадан йиллар ўтиб, унинг қизи Дилбархон ҳам мустақил юртимизнинг юксак унвонига эга бўлди. – Оиламизда олти қиз бўлиб, учинчиси мен эдим, – деб эслади Дилбархон. – Урта мактабни битириб, Наманган қишлоқ хўжалиги техникуми, ҳозирги Наманган агросаноат касб-хунар коллежига ўқишга кирдим. Қишлоғимиздаги машур пиллачилар оиласига келин бўлиб узатилдим. Қайнонам Барнохон Раҳмонова ипак курти парваришда, ўз меҳ-



Илғор пиллачи, тажрибали мутахассис Дилбархон Сотволдиева ҳар бир тадбирни пухта ва ўз вақтида ўтказади. Унинг иш юритиши ҳамкасбларига доимо ўрнак бўлиб келмоқда.

бархондаги ўз касб-корига бўлган садоқат барча муаммоларни ортага сурди.

– Дилбархондаги ғайрат-шижоат, айна пайтда унинг омиликорлик билан иш юритишини

қўриб, беихтиёр ҳавасим келади, – дейди ҳудуд агрономи Раҳимон Хуринова. – Ипак курти

парваришда, ундан «кумуш тола» етиштиришнинг ўзи мўъжиза! Пилла етиштириш мавсуми узоғи билан бир ой давом этади. Аммо ўттиз кеча-кундузда қилинган меҳнат бир йилга татайди. Ипак курти уруғини жонлантиришдан тортиб, пилла ҳосилини тарозидан ўтказиб, ғалврини сувдан кўтаргунча бўлган иш жараёни назорат қилиб, пиллачилардан ўта ҳушёрликни талаб этади. Дилбархон Сотволдиева мазкур жараёни пухта ўзлаштиргани билан туманда ном қозонди. Жорий йил янгиқўрғонлик пиллачилар учун муваффақиятли келди. Улар уч минг қути ипак курти уруғидан режадаги 159,5 тонна ўрнига 161,8 тонналик «кумуш тола» хирмонини яратди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинган бў борада интнмай изланиб, янгилик сари интибли ишлаётган Д.Сотволдиева каби малакали мутахассисларнинг самарали меҳнатидан далолатдир. **Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.**

ТИНЧЛИК ВА ОБОДЛИК

БАРҚАРОР ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА МОЛИК

Эзотерик манбаларда айтилишича, ҳар бир одам тинчлик ва хотиржамликка муттасил интилиши орқали бутун бор-кара эзгуликнинг ҳаётбахш қувватларини таратиши мумкин. Тиббий-ижтимоий йўналишда тадқиқотлар олиб борувчи олимларнинг сўзларига қараганда, тинчлик ва хотиржамлик одамнинг руҳий-физиологик ҳолатлари ҳамда хулқий-коммуникатив хусусиятларини раббатлантиради. Бу эса шахсий саломатлиқни мустаҳкамлаш ва шахслараро муносабатларда самимийликни сақлашда бағоят фойдалидир.

Нуроний отахону онахонларимиз қўлларини дуога очиб, Парвардигордан, аввало, барчага тинчлик ва хотиржамлик тилашида одамлар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга барҳам беришдек эзгу ният мужассам. Чунки бой ҳаётий тажрибага эга кексаларимиз бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетишини жуда яхши билишади.



Бу эса мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталикка таҳдид солиш билан бирга, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунё миқёсида Марказий Осиё миқёсида қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини қўриб, кузатиб, беғамлик ва беларволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

ОСОЙИШТА ЮРТДА ФАРОВОН ҲАЁТ

Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар замирида муқаддас Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашдек улғу ва эзгу мақсад мужассам. Бунга тўлақонли эришиш учун мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикни тобора мустаҳкамлаш барчамизнинг энг устувор вазифамиздир.

Ўзбекистон танлаган йўл — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлашга қаратилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидир.

Мамлакатимизда барқарор тараққиёт суръатларининг таъминланганини 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал да-

ромад эса 8,4 баробар кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан иш-лаб чиқилган ва барча соҳада кенг қамровли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимизни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан ишончли химоя қилиб, дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини барқарор суратларни таъминлаш имконини бермоқда. Сўнги етти йил давомида республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ошиб бораётгани бунга яққол далилдир.

Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир одам, ҳар қайси оила ўзининг орзу-умидлари рўёбга чиқаётганидан, шаҳар ва қишлоқларимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётганидан беҳад мамнун.

Мамлакатимизда оилаларнинг 98,5 фоизи ўз уй-жойи ёки квартирасига, кишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга, ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, деярли учинчи юрдошимиз интернет тармоғидан фойдаланиётгани фаровонлигимиз намойишидир.

Биргина Обод турмуш йилида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун барча манбалар ҳисобидан ҳозиргача 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Натияжада 554,4 мингта иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 334,4 мингта янги иш ўрни ташкил қилинди.

Буларнинг барчаси тинчлик ва ободлик самарасидир. Биз жамиятимизда аҳилик ва ўзаро меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаганимиз сари унинг самарасидан тобора кўпроқ баҳраманд бўламиз.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ

ЎЗАРО НИЗОЛАШУВНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда йирик давлатлар манфаатларининг ўзаро тўқнашуви баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовитлар неғизида қарама-қаршилиқларни тобора кучайтираётгани, шу тарихқа янги кескинлик ўчоқларини юзага келтираётгани қалби уйғоқ, соғлом фикрловчи, келажакка ишонч билан қаровчи ҳар бир одамни жиддий ташвишлантирмоқда.

— Уруш қандай мақсадда олиб борилмасин, барибир дахшатли асорат қолдиради, — дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийиси Қулмаҳаммад Абдуллаев. — Бизнинг болалигимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Уша таҳликали даврнинг турмуш машаққатларини катталар билан барабар зиммамизга олганмиз. Уларнинг қўллариданга изтироб ва дамандуҳларни қўриб, беғубор болалик қувончларини тўлиқ ҳис қилмай, эрта улғайдик. Шунинг учун урушнинг асоратидан ҳозиргача юрагимиз увишади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деб номланган рисоласида куйидаги фикрлар бор: “Тинчлик ва осойишталик йўқ жойда барака бўлмайди. Тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди”. Айнан шу боис, тинчлик учун кураш — башариёт келажак учун кураш демакдир.

Фақат сўнги ўз йилликдаги урушлар ҳақида сўз юритганда, қанчадан-қанча одамларнинг қони тўкилганини, қанчадан-қанча маблағларнинг беҳуда совурилганини аниқ далиллар асосида қўриб чиқиш мумкин.

Қашшоқлик ва танглик билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи “Oxfam International” халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, Биринчи жаҳон урушида халқ бўлганлар сони 10 миллиондан ортиқ, яраланганлар сони эса 20

миллионга яқин экан. 1914-1918 йилларда дунёни ларзага солган урушнинг сарф-харажатлари 208 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Иккинчи жаҳон уруши давомида 55 миллиондан ортиқ киши қурбон бўлган, 95 миллионга яқин киши эса жараҳатланган. Айтиш жоизки, биргина юртимиздан 1 миллион 500 минг киши бу урушда қатнашган бўлса, улар орасидан қарийб 500 минг ватандошимиз қайтмаган. 1939-1945 йилларда дунё халқларининг ҳаловатини бузиш учун 1 триллион 380 миллиард АҚШ доллари сарфланган. Холбуки, ўз даврида шунча маблағлар ҳисобига ер юзидан бошлансиз одамлар учун уй-joyлар қуриб, уларнинг турмушини обод қилиш ёки дашту биёбонларни бозу бўстонга айлантириш мумкин эди.

“Oxfam International” ташкилоти вакиллари Францияда чоп этилаётган “Le Figaro” нашрига берган интервьюсида Африкадаги 23 та давлат 1991-2006 йиллар давомида турли қуроли моҳаролада қатнашгани оқибатида қитъа иқтисодиётига ҳар йили ўртача 18 миллиард АҚШ доллари қийматидан зарар етказилганини маълум қилган. Ўзаро низолашув туфайли ушбу давлатларда болалар ўлими 50 фоизга, тўйиб овқат емайдиган кишилар сони 15 фоизга кўпайган, одамларнинг ўртача умр кўриши эса 5-10 йилга қисқарган. Вахонакки, қуроли моҳарола учун сарфланган маблағлар ўз вақтида қашшоқлик ва танглик билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига йўналтирилганда, қитъада тинчлик ва тараққиёт таъминланади.

Шу ўринда қўшни Афғонистондаги Ўзаро низолашув ҳам қарийб 35 йилдан буён давом этаётгани, бундан маҳаллий аҳолининг ҳаёти танг ва ноқор бўлиб қолганини таассуф билан айтиш жоиз. Бугун жафоқаш афғон заминидан юзага келаятган ўта қалтис вазият туфайли келгусида этник низолашув янада авж олиб, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши мумкинлиги истисно этилмаяпти.

Тошкент Вилояти

Ҳозирда одам савдоси жинояти турли кўринишларда: инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, улардан ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишаболикка фойдаланиш ва бошқа шаклларда кўплаб учрамоқда.

ОГОҲЛИК ВА БИРДАМЛИК ЗАРУР

Ҳозирги кунда одам савдоси ёки шунга ўхшаш бошқа жиноятчилик турлари тўғрисида аниқ рақамларни келтириш жуда мушкул. Бу ҳолат ушбу жиноятнинг латенглиги, яъни очилмай қолиш даражасининг юқорилиғи билан изоҳланади.

Бутун дунёда авж олиб бораётган ҳамда тобора кўпроқ қурбонлар берилётган, аллақачонлар “қора бизнес”нинг энг сердаромад турига айланиб улгурган ушбу жиноий ҳодиса инсоннинг узвий ва даҳлсиз ҳуқуқларини поймол қилгани, унинг кадр-қимматини камситадиган ваҳшиёна қилмишидир.

Жамиятда аёллар дискриминацияси, паст даражадаги савдонхлик, коррупция, ёлғон реклама эълонларини тарқатиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар одам савдосининг ривожланишига олиб келувчи омиллардир.

Одам савдоси бир вақтнинг ўзида ҳам жинсий-криминал, ҳам инсон ҳуқуқларига бевосита даҳлдор бўлган масаладир. Ушбу иллат жиний занжир бўлиб, унга қарши ҳар томонлама кураш олиб борилсагина ибобий натижага эришиш мумкин.

Қулчиликнинг замонавий кўриниши бўлган ушбу жиноят орқали инсон ҳуқуқлари қўпол ҳамда шафқатсизларча бузилади. Ушбу жиноят халқларнинг урф-одатлари, дини ва менталитетига бутунлай зид бўлиб, оқибатда кишиларнинг ўз миллий келиб чиқишини, тарихини ҳамда маънавиятини унутишга олиб боради. Бу жараёнда асосан воёга етмаганлар ҳамда ёшлар жабр кўришини ҳисобга олсак, одам савдоси жинояти миллиятнинг келажакка салбий таъсир кўрсатади.

Ҳа, бу каби муаммоларнинг илдизи кўп. Ечими эса бита — огоҳлик. Одам савдосига қарши барчамиз биргаликда курашсак, ақилларимизни, ён-атрофимиздагиларини унинг домига тушиб қолишдан асраган бўламиз.

Алма ТОЖИБОЕВА, Янгийўл тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси.

Қашқарё Вилояти

ХАРИДОРГИР

Шаҳрисабз туманидаги «Бекзод Саидов» хусусий корхонаси сутни қайта ишлашга ихтисослашган.

Ўнга яқин киши меҳнат қилаётган кичик корхонада замонавий технология асосида кунига уч тонна сут қайта ишланиб, 10 турдаги сифатли маҳсулот тайёрланади. Корхонанинг, айниқса, пишлоқлари жуда харидоригир.

СУРАТДА: ишчи Севара Қўлаева. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (Ўза) қалчон сурат.

МАҲСУЛОТЛАР



Навоий Вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДАГИ «ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР» ШУЪБА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИДА САЛМОҚЛИДИР

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани кўплаб янги корхоналар ташкил этиш ҳамда ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Хусусан, истиқболли лойиҳалар асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топшириляпти. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритиб келаятган «Полиэтилен қувурлар» шуъба корхонаси шундай корхоналардан бири ҳисобланади.

2010 йилдан бошлаб “Шўртан газ кимё мажмуаси” УШК қошида иш бошлаган мазкур корхонада Австрия ва Германия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида диаметри 20 мм. дан 250 мм. гача бўлган сув қувурлари ва каналзация тармоқлари учун жаҳон талабларига мос 4 турдаги полиэтилен қувурлари ҳамда Италия технологияси асосида бутловчи қисмларни ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимиз экологик, гигиена ва мувофиқлик сертификатларига эга, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Одилов. — Мажмуани ташкил этилишидан мақсад бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли

ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқимизга етказиб беришдан иборат. Асосан, ҳаммаё шифатида “Шўртан газ кимё мажмуаси” УШК да тайёрланган Р - Y 342, Р - Y 456 маркали полиэтилен грануласи ҳамда маҳаллий корхоналарда чиқарилган 40-45 фоишли суперконцентратлардан фойдаланамиз. Ҳозирда маҳсулотларимиз ички бозорда ўз харидорларини топиб, барча вилоятлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига ҳам етказиб берилмоқда.

Ўтган йили корхона томонидан ишлаб чиқариш қуввати бирмунча оширилиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 15 фоизга ўсди. Жорий йил боши-



дан буён эса 395,4 тонна, яъни 2,008 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди.

Корхонада фаолият кўрсатаётган 56 нафар ишчи-ходимнинг меҳна-

ти ва саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ишчилар йил мавсумларига мос равишда маҳсул кийим-кечаклар билан таъмин-

ланади. Уларнинг ўз вақтида ишга келиб кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган. “Шўртан газ кимё мажмуаси” УШК томонидан қабул қилинган жамоа шартнома-сига мувофиқ, меҳнат қилаётган ходимларга қатор ижтимоий имтиёзлар яратилган. Ишчиларнинг сиаҳатгоҳларда дам олишлари учун корхона томонидан тегишли тартибда маблағлар ажратилади. Ўтган йили корхонанинг 3 нафар ходими вилоятда қуриляётган намунавий уй-joyлардан олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 16 нафарга етди.

Илғор технологиялар асосида кунига 9 тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга корхона цехларида иш қизгин. Маҳсулотлар 6-8 дақиқада тайёр ҳолга келтирилиб, сифат кўригидан ўтказилиб, буюртмачиларга жўнатилади.

Мазкур корхона Айдарқўл хавзаси яқинидан ижарага ер олиб, балиқчилик ҳўжаляги ташкил қилишни режалаштирган. Бу орқали ҳам бир нечта янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Азимжон ХУШВАҚОВ

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар, уларга кўрсатиляётган имтиёзлар соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда. Шунингдек, хорижлик инвесторларни жалб этмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, соҳага оид Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари бу борадаги ишларни тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган имтиёз ва қулайликлар мавжуд.

Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган.

Бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ доллари гача бўлганда 3 йил муддатга, 3 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ доллари гача бўлганда 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлган тақдирда 7 йил муддатга ушбу солиқ имтиёзларидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши эса хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёз ва афзалликлар қўламини янада кенгайтирди. Яъни хорижий инвестициялар учун имтиёзлар аввал иқтисодиётнинг 8 та тармоғига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида мазкур имтиёзлар қўлланиладиган бўлди.

Масалан, имтиёздан фойдаланиш учун авваллари корхонанинг устав капиталда хорижий иштирокчиларнинг улуши камидан 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз деб белгиланди.

Бундан ташқари, авваллари имтиёзлардан олинган даромаднинг тўлиқ корхонани ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, эндиликда даромаднинг 50 фоизини ушбу мақсадга йўналтириш, қолган қисминини эса ихтиёрий ишлатиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони асосида ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона тартиби жорий этилган бўлиб, иқтисодий зона иштирокчилари учун киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб маълум муддатларга солиқ тўловларидан озод қилиш ва пайсатирилган ставкаларда солиқ тўлаш имтиёзлари қўлланилмоқда.

Мазкур имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 3 миллион евродан 10 миллион еврогача бўлганда 7 йилга, 10 миллион евродан 30 миллион еврогача бўлганда 10 йилга, 30 миллион евродан ошганда 15 йил муддатга берилиши белгиланган. Шунингдек, кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдоридан тўланади.

Аниқ рақамларда айтиладиган бўлса, 2012 йил давомида “Навоий” ЭИИЗ ҳудудидан рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги 9 та корхона 3,983 миллион сўмдан ортиқ, 2013 йилнинг 1-чораги давомида эса 5 та корхона 1,270 миллион сўмдан зиёд миқдорда солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Бу каби имтиёзлар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, пировардда юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

А.СОДИҚОВ, Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси шуъба бошлиғи.

